ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:
№ 0721
2018 й. «30» 08

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
БухМТИ ректори
проф.У.Т.Мухамедханов
«__» 2018 й.

# МАКЕТШУНОСЛИК
фанининг

# ЎҚУВ ДАСТУРИ

Билим сохаси: 300 000 – Ишлаб-чиқариш техника сохаси
Таълим сохаси: 340 000 – Архитектура ва қурилиш
Таълим йўналиши: 5340100 – Архитектура (турлари бўйича)

Бухоро – 2018 й.

**Фаннинг наъмунавий ўкув дастури**
**Бухоро мухандислик технология институтида ишлаб чикилди.**

**Тузувчилар:**

Доц. Мирзаев Ш.Р. - **"Архитектура ва қурилиш" кафедраси мудири**

Рабиев Ғ.Б. - **"Архитектура ва қурилиш" кафедраси катта ўкитувчиси**

**Тақризчилар:**

**Рўзиев Х.Р.** – **"Механика" кафедраси мудири, доцент.**

**Мухиддинов З.** – **Бухоро вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари, вилоят бош архитектори**

**Фан дастури Бухоро муҳандислик-технология институти кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (28.08.2018 йил 1-сонли баённома)**

## 1. Кириш

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида, халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий кадриятлар асосида замонавий маданият, иқтисодиёт, фан – техника ва технологияларнинг ютуклари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тарққиётининг мухим шаклидир дейилган. Бу юксак вазифани амалга ошириш учун ёшларни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш, жахон андозалари талабига мос равишда билимли мутахассислар тайёрлаш мақсадга мувофикдир.

Макетлашда архитектуравий комплекслар, уларнинг интерьерлари ва экстерьерлари устида ишлаш мухим аҳамият касб этади. Бўлажак архитекторнинг ўз ижодий ғоясининг фазовий режавий ечимлари, ўлчамлари, ранги ва фактураси макетда ўз ифодасини топмоғи лозим.

“Макетшунослик” фанини ўкитиш жараёнида талабанинг макет ва макет кисмлари устида ишлашига жиддий эътибор каратилади. Макетлаш ва моделлаш бўлғуси архитекторни, фазовий фикрлаш ва сезиш кобилиятларини ўстиришга, янги ижодий қирраларини очишга имкон беради. Талабалар техник фикрлаш ва макетни бажариш, ижодий фикрлаш кобилиятини ўстириш ва тарбиялаш, шахсий ва ижодий муаллифлик услубини яратиш, макетларни тузиш ва бажариш жараёнида замонавий техник воситалар, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва кўллаш кўникмаларини эгаллашларига ёрдам беради.

### Фанни ўқитишнинг мақсади ва вазифалари

Фаннинг ўқитишдан мақсад – талабаларда фазовий фикрлаш ва сезиш кобилиятларини ўстириш, янги ижодий қирраларини очиш уларда техник фикрлаш ва макетни бажариш, ижодий фикрлаш қобилиятини ўстиришдан иборатдир.

Фаннинг вазифаси - бўлажак архитекторларга лойихаланаятган объектнинг хажмий фазовий якқол кўринишини кичик масштабда хар хил материалда тайёрлаб билишини хамда макет ясаш учун керак бўладиган материал, жихоз ва асбоб-ускуна хакида тушунча ва билим бериш хамда улардан амалда фойдалана билишни ўргатишдир.

### Фан бўйича талабаларнинг билимиға, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар

“Макетшунослик” ўкув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

- ўтилаятган назарий дарс материалларини ўзлаштириш, конспект юритиш
- лойихаланаятган бино ва иншоотларининг лойиҳавий ва хажмий ечимларини тахлил қилиш;

- макетнинг масштабини ва иш хажмини белгилаш;
- макетни тайёрлаш материали, тайёрлаш усули ва асбоб-ускуналарни танлаш;
- тайёр макетни ранглаш-бўяш, атроф-худудни ободонлаштириш ишини (антураж) бажариб билиши лозим;

**Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги**

Мазкур фан танлов фани бўлиб, "Архитектуравий композиция ва лойихалаш асослари" ва "Архитектуравий лойихалаш" фанлари билан узвий боғлик бўлиб, ўқиш даврининг **4- семестрида** ўқитилади. Ўқитиш жараёнида талаба "Чизма геометрия ва мухандислик графикаси" ва ҳ.к. фанларидан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишлиги талаб этилади.

## I I. Асосий назарий қисм.

### Маъруза машғулотлари.

**Фанга кириш.** Макетшунослик хакидаги умумий тушунчалар. Макетлар турлари.

**Макетлашнинг асосий босқичлари.** Эскиз-хомаки лойиха, архитектуравий лойиха, план, фасад ва бошқа элементларни масштабда чизиш тартиби ва қоидалари

**Архитектурада образ яратиш**, архитектуравий усуллар инсон ва фазовийлик, арихтекуравий графика

**Макетлаш учун ашёлар**. Макет устида ишлаш учун жиҳозлар ва мосламалар Ашёлар аралашмаси, қолиплашнинг турлари Интерьерлар макети

**Хажмий фазовий лойихалаш**. Модель.Масштаб. Элементларнинг ўзаро уйғунлиги.

**Ладшафт,**ландшафт эскизи, Рельеф, сув хафзалари, атроф худуни ободонлаштириш.

**Худудларни макетлаш**, Макетлар ва хом ашёлар, Япон қўғирчоқлари ва елпиғичлар макети

**Қоғоздан ва картондан макетлар**. Полимер ашё варағидан макетлар, Гипсдан макетлар, Рангшунослик – ранглар уйғунлиги (гармонияси)...Қизил, оқ, ҳаво ранг

**Керамик мозаика**, витражлар, альфрейлар ишлари.Талабалар томонидан бажарилган макетларни тахлил қилиш

## 2. Амалий машғулотлар.

-Макети тузиш учун объект танлаш ва объект хақида маълумот-материал йиғиш

-Макети тузиладиган бино-иншоотнинг лойиха-эскизини тайёрлаш

-Макет тайёрлаш учун материал танлаш ва унинг катта бўлакларини тайёрлаш, таглик (подставка) тайёрлаш

-Макетнинг кичик деталларини тайёрлаш ва уларни йиғиш

- Макетнинг атроф-худудини ободонлаштириш-ландшафт тузиш (антураж)

-Макет тайёрлаш ишларини охирига етказиш, ёзувларни ёзиш ва бахолашга тайёрлаш

## 3 . Мустақил таълим мавзулари

- Макетшунослик асбоб ва материалларини ўрганиш
- Яратиладиган объектни моделлаштириш - эскиз тайёрлаш
- Иш усулини белгилаш. Хом ашё ва материл тайёрлаш.
- Моделнинг катта хажмий элементларини ясаш
- Моделнинг майда деталларини ишлаб-чиқиш
- Атроф ландшафтни лойихалаш ва макетлаш
- Макетни бўяш ва ўзувларни ёзиб ишни тугатиш

## Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълимнинг турли хил шакллари мавжуд бўлиб, талаба ўқитувчи раҳбарлигида янги билимларни, уқув ва кўникмаларни ўзлаштириш, ижодий фаолиятни амалга ошириш мақсадида маслахатлар олади. Ушбу шаклларга қуйидагилар тегишлидир:

Дарслик ёки ўқув қўлланмалар бўйича фанлар боблари ва мавзуларини ўрганиш; тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш, кўргазма залларида тадқиқодлар олиб бориш; махсус ёки илмий адабиётлар (монографиялар, мақолалар) бўйича фанлар бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш.

Мустақил иш бажариладиган мавзулар бўйича саволномалар тузиш, саволларга фойдаланишга тавсия этилган адабиётлардан фойдаланган ҳолда ёзма тарзда жавоб бериш, қонун, қарор, меъёрий хужжатлардан фойдаланиш,

ҳар бир мавзу бўйича муаммоли масалаларни ҳал қилиш йўлларини баён қилиш, тавсиялар бериш ва бошқалар.

Мустақил ишларни ташкил этишнинг мазмуни: талабалар мустакил ишлари мавзулари келгусида бажариладиган курс ишлари ва битирув малакавий ишлари мавзулари билан узвийликда бажарилади.

Фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда талаба мустақил иши давомида қуйидаги масалар билан шуғулланиши тавсия этилади:

- дарслик ва ўқув қўлланмалар бўйича фаннинг мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар мазмунини ўзлаштириш;
- махсус адабиётлар бўйича мавзулар устида ишлаш;
- лойиҳалашнинг янги техникалари, технологиялари ва ечимларини ўрганиш;
- ўқув-илмий-тадкикот ишларини бажариш билан боглиқ бўлган фанлар бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

## Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати

### Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар


1. А.Г. Устинов. «Отношение к прикладному рисунку проектной графике и макетировании». Москва. 1991.
2. З.Н Быков., Г.В. Крюков. «Проектирование и моделирование». Москва, «Высшая школа», 1986.
3. А.Н. Швиндовский. «Архитектура и монументальное искусство». Москва, 1986.
4. А.М. Соколов. «Основы понятия архитектурного проектирования» Москва, 1986.
5. А.Антал, Л.Кушнир. «Архитектурное черчение». Киев 1980.
6. А.Е Суржаненко. «Альфрейно-живописные работы». Москва 1976.
7. В.Г. Бастаков. «300 практических советов»
8. А.П. Черемных. «Основы художественного проектирования». Москва 1990.
9. Г.Грубе, А. Кучмер. «Путеводитель по архитектурным формам». Москва 1990.
10. А.В. Маковский., Ю.Ф. Брокман. «Каталог художественного магазина». Академия художеств Москва. 1990г.
11. Г.Цойгнер. «Учение о цвете». Москва 1976.
12. “Ты и твой дом” “Анджей А.Мрочек”. Варшава 1973г.
13. Т.А Матевеева “Реставрация мебельных изделий”. Москва 1986 г.
14. А.С Меликесян “Юному любителю мозаики”
15. Б.И. Мухин “Изготовление деревянной мозаики”. Москва 1989 г.
16. “Гутен Таг” Журнал Германия 1980.

17. “Декоративное исскуство”. Москва 1973.

18. “МАКЕТЛАШ ВА МОДЕЛЛАШТИРИШ” ўкув кўлланма, Слугин А.П Тошкент-2010 йил.

19. Ўзбекистон Республикаси “Шахарсозлик Кодекси” Тошкент,Адолат, 2004.

20 ШАХАР ВА ҚИШЛОҚ АХОЛИ ПУНКТЛАРИ ХУДУДЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ҚУРИЛИШИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ” ШНҚ 2.07.01-03

## Қўшимча адабиёт

1. Джон Уокер. Введение в гостерпимство. М. ЮНИТ., 1999.
2. Коляскина М. Весна в превосходной степени. “SALON”. 2001, №1
3. Саидов А.А. Методический альбом курсовых и выпускных квалификационных работ по дисциплине “Художественное проектирование”. Ташкент, 2007 г.
4. Зойиров Ғ.А “Бадиий лойиҳалаш” фанидан “Музқаймоқ кафеси, Гўзаллик салони, Либослар уйи” мавзуси бўйича услубий кўрсатма. Тошкент, ТАҚИ. 2009 й.

## Интернет сайтлари

**www.bibliotekar.ru**
**www. ZiyoNET.uz**
**IsKUNSTvo.narod.ru**
**www.lib.ru** - *(М. Мошков кутубхонаси).*
**smallbay.**